

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРОКЛАСТЕРЛАРИ УЧУН
МАШИНАЛАР ТАРКИБИ ВА ХУДУДИЙ ТЕХНИК СЕРВИС ТИЗИМИНИ
АСОСЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091022>

А.Примбетов

*Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти таянч
докторанти*

Жаҳон амалиётида агрокластерлар ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи асосий субъектлар каторига киради. Бу субъектларнинг кўпчилиги ўзларининг хусусий машина-трактор парки, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш пунктлари ва кўчма устахоналарга эга. Агрокластерларнинг далада ишлаётган машиналарида тўсатдан юзага келган носозликлар мазкур пунктлар ва устахоналар ёрдамида мустақил бартараф этилади ва сменавий сервис кўрсатилади. Мураккаб носозликлар ва сервис ишларини бажариш учун марказий сервис корхоналарига буюртма берилади.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар балансидаги механизация воситаларидан йил давомида самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоларига доир илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу йўналишда мазкур субъектлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машина-трактор парки ва техник хизмат кўрсатиш (ТХК) базасининг таркибий ва миқдорий кўрсаткичларини асослашга доир мақсадли илмий изланишларни бажариш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шоличилик кластерларида ишлаб чиқариш йўналишларига мос машиналарнинг рационал парклари ва уларга техник хизмат кўрсатувчи пунктларни барпо қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал минтакавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур”ида жумладан, “Пахта –тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шоличилик модел

кластерларини юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги машиналари ва таъмирлаш техник хизмат кўрсатиш объектларини рационал таркиблари ва миқдорларини асослашни хисобий моделлари ва хисобий дастурларини ишлаб чиқиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан “Иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш”да Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолчилик кластерларининг бош моделларини яратиш, агротехник мавсумнинг давомийлиги ва агрегатларнинг ўртача иш унуми мезонлари асосида модел кластерларнинг хусусий машина-трактор паркни шакллантириш, ТХК пунктларини танлаш ва уларни зарур технологик қурилмалар билан жиҳозлаш муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли ва 2019 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сонли Фармонлари, 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4410-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сонли ва 2019 йил 12 декабрдаги 986-сонли Қарорлари ҳамда мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари, агрофирмалар, агрохолдинглар моделларини яратиш, машина-трактор парк таркиби ва миқдорларини аниқлаш, бундай паркка техник хизмат кўрсатувчи базани барпо этиш ва унинг самарасини ошириш бўйича хорижда

Ю.И.Бершицкий, А.В.Белявцев, А.Я.Поляк, Р.В.Жариков, С.Козлова, О.С.Марченко, А.Н.Репетов, С.М.Бабусенко, В.И.Черноиванов, П.В.Привалов, М.И.Юдин, В.М.Лившиц ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган [1-10].

Ушбу йўналишларда Ўзбекистонда М.Тошболтаев, Ю.И.Наумов, Э.Т.Фармонов, Р.Рустамов, М.Қобулов, З.Сейтимбетова, М.Джиянов, Б.А.Чернов, С.Шамшетов, Д.Журавлев, А.Сунгатулин, В.Зацепин ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини бажаришган [11-16].

Бу тадқиқотлар давомида шакллантирилган ғоялар, таклифлар ва тавсиялар трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига ТХК системасида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда.

Аммо уларда Ўзбекистонда, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерларининг ер майдонлари бўйича ҳудудий ва бош моделларини яратиш, модел кластерлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машиналарнинг рационал таркиблари ва сонларини асослаш, машиналарни агротехник мавсумлар давомида ишловчанлигини таъминлайдиган ТХК пунктларини ташкил этиш масалалари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий, марказий ва жанубий ҳудудларида жойлашган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерларининг бош моделларини ишлаб чиқиш, фаолият йўналишлари бўйича талаб этиладиган машиналарнинг рационал таркиби ва сонларини асослаш, уларни созлигини таъминлайдиган ТХК пунктларини ташкил этиш орқали агрокластерларда механизация даражасини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари этиб қуйидагилар олинди:

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий, марказий ва жанубий ҳудудларида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерларини ер майдонлари ва жойлашиш манзиллари бўйича таҳлил қилиш;

пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерларининг ер майдонлари бўйича бош ва ҳудудий моделларини яратиш, тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонларини асослаш;

бош модел балансидаги машина-трактор паркига ТХК пунктларини ташкил этиш, зарур технологик қурилма ва ускуналар таркибини танлаш ҳамда самарасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерлари, уларнинг балансидаги экин майдонлари ва қишлоқ хўжалиги машиналари, кластерларнинг бош ва ҳудудий моделлари, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерлари бош моделларининг рационал экин майдонлари ва бу майдонлар учун талаб этиладиган техника воситаларининг турлари ва сонлари, ТХК пунктларининг намунавий лойиҳалари ва ҳудудлар кесимида жойлашиш ўринлари каби параметр ва кўрсаткичлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик кузатув, ахборотлар синтези ва анализи, қиёсий таҳлил қоидаларидан, математика методларидан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш фанларидаги усуллардан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг қутилаётган илмий янгилиги:

- шимолий, марказий ва жанубий ҳудудлар кесимида пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерларининг ер майдонлари бўйича бош моделлари ишлаб чиқилади;

- пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерлари бош моделларининг ҳудудлар бўйича рационал жойлашиш ўринлари аниқланади;

- пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик кластерлари бош моделлари ер майдонларида экинларни етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари, русумлари ва миқдорлари асосланади;

- пахта-тўқимачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва шолічилик йўналишларидаги бош модел кластерлари машиналарига техник хизмат кўрсатиш пунктларининг намунавий лойиҳалари ҳамда зарур технологик қурилма ва ускуналар таркиблари танланади.

Ишнинг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикаси агрокластерлари учун машиналар таркиби ва сонларини асослаш, ҳудудий техник сервис тизимини барпо этиш орқали қишлоқ хўжалиги тармоқларида механизация даражасини ошириш имкониятлари яратилиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси агрокластерлари учун машиналар таркиби ва ҳудудий техник сервис тизимини асослашдек долзарб илмий-техник масаланинг ечими агрокластерлар ишлаб чиқариши самарадорлигини ошишини таъминлайди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Белявцев А.В. Структура тракторного парка: проблемы, суждения // Механизация и электрификация сельского хозяйства. – Москва, 1990. - №7. – С. 6-7.

2. Поляк А.Я., Гаспаров А.С., Сверчук Г.С., Петров Е.В., Борисов Е.В. Рекомендации по формированию оптимальной структуры машинно-тракторного парка из перспективной техники. – М.: ВИМ, 1984. – 29 с.

3. Жариков Р.В. Прогнозирование потребности региона в сельскохозяйственной технике // Техника в сельском хозяйстве. 2007, №5. – С. 28-29.
4. Козлова С., Тю Л. Определение потребности в сельскохозяйственной технике // АПК: экономика, управление. 2003, №11. – С. 62-68.
5. Репетов А.Н. Приближенно-групповой метод выбора машин // Тракторы и сельскохозяйственные машины. 1992, №8. – С. 26-28.
6. Лацарс Я.А. Потребность в механизаторах и тракторах в условиях рациональной организации работ // Тракторы и сельскохозяйственные машины. 1991, №6. – С. 32-33.
7. Бабусенко С.М. Проектирование ремонтно - обслуживающих предприятий. – М.: Агропромиздат, 1990. – 352 с.
8. Привалов П.В., Яворская Е.А., Сидоров Г.С. Теоретические основы разработки методики технического сервиса сельскохозяйственных машин // Механизация и электрификация сельского хозяйства. – М., 2002. - №11. – С. 4-5.
9. Юдин М. И., Мечкало Л. Ф., Захарченко А. П. Расчет потребности сельскохозяйственного предприятия в средствах технического обслуживания и ремонта машин // Механизация и электрификация сельского хозяйства. – 2005. – №2. – С.25–26.
10. Лившиц В.М. Техническое обслуживание зерноуборочных комбайнов в условиях уборочно-транспортных отрядов // Науч. - тех. бюл. / СибИМЭ. Новосибирск, 1977. – Вып. 4, 5.
11. Тошболтаев М. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2016. – 604 бет.
12. Тошболтаев М., Сейтимбетова З. Универсал сервис марказининг рационал жойлашиш ва функцияланиш параметрларини асослаш. Монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2019, 152 бет.
13. Методические указания по анализу и оценке уровня использования машинно-тракторного парка хлопководческих колхозов и совхозов / Базаров С., Гришкова Л., Дикарев А., Хакимов А. // САНИИЭСХ, САИМЭ.– Т., 1975. – 32 с.
14. Тошболтаев М., Рустамов Р., Қобулов М. Қишлоқ хўжалигида ҳудудий фирмавий техник сервис тизими. – Т.: «Фан», 2007. – 182 б.

15. Тошболтаев М., Джиянов М. Пахта-тўқимачилик кластерлари учун машиналар ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари таркибларини асослаш (Монография). – Т.: “Navro’z”, 2021. – 190 б.

16. Тошболтаев М., Эгамназаров Б., Артикбаев Б. Шоличилиқ кластерлари учун машиналар ва таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базаси таркибларини асослаш (Монография). – Т.: “Sabrina Art Mediya” МЧЖ, 2023. – 112 б.